

**Исм-насаби:** Абу Мухаммад Яъкуб ибн Исхок ибн Язид ибн Абдуллох ибн Абу Исхок ал-Хазрабий ал-Басрий.

**Таваллуди ва вафоти:** Имом Яъкуб Басрий 117/735 санада тавлуд топган, 205/820-821 йили 88 ёшда вафот этган. Кизиги шуки, у кишининг отаси хам, бобоси хам, бобосининг отаси хам, барчаси 88 ёшда вафот килишган.

**Манокиблари:** Имом Яъкуб кироат, араб тили, лугат, хадис ва фикх илмларида замонасининг энг билимдони бўлган. Абу Амрдан кейин Куръон ўқитиш ишида бош устоз бўлган. Бир неча йиллар Басра жомеъида имом бўлган. Абу Хотим ас-Сижистоний: «У мен кўрганларнинг ичида Куръондаги хуруфлар ва ихтилофларни, таълиллари ва мазхабларини хамда нахв йўналишларини энг яхши билувчи, Куръон хуруфлари ва факихларнинг сўзларини энг кўп ривоят килувчи инсон эди», деган. Хофиз Абу Амр ад-Доний айтади: «Басраликларнинг хаммаси Абу Амрдан кейин Яъкубнинг ихтиёрига эргашишган. Барча басраликлар ёки уларнинг кўпчилиги унинг мазхабидадир». Абу Амр ад-Доний яна шундай дейди: «Тохир ибн Галбуннинг: «Басра жомеъининг имоми факат Яъкубнинг кироатида ўқийди» деганини эшитганман». Мухаммад ибн Мухаммад ал-Асбихоний: «Басрадаги жомеъ масжидда хозирги пайтгача Яъкубнинг кироатида ўқилади. Биз хам шундай холда топганмиз», дейди. Имом Яъкуб шогирдаларини оятларни санаб ўқитар эди. Агар бирортаси санокда хато килса, тўгрилаб кўяр эди. Имом Яъкуб фозил, такводор ва зоҳид инсон эди. Намозни ниҳоятда хушў ва хузуў билан ўқир эди. Хатто намоздалик пайтида ридосини ўгирлаб кетиб, яна кайтариб илиб кўйишганида хам ҳеч нарсани сезмаган.

**Устозлари:** Имом Яъкуб раҳимахуллох жуда кўп устозлардан илм олган. Жумладан: Абул-Мунзир Саллом ибн Сулаймон ат-Тавил ал-Музаний, Махдий ибн Маймун, Абул-Ашхаб, Шихоб ибн Шурнуфа, Маслама ибн Мухориб, Исма ибн Урва ал-Факимий, Юнус ибн Убайд, имом Кисойй, Мухаммад ибн Зурайк ал-Куфий, Имом Хамза.

**Санади:** Имом Яъкуб кироатни Саллом ибн Сулаймондан, шунингдек, Шихоб ибн Шурнуфа, Абу Яхё, Абул-Ашхаб Жаъфар ибн Хайён ал-Аторидий ва Махдий ибн Маймундан олган. Ибн Мунодийнинг айтишича, у Абу Амрнинг ўзига хам бевосита ўқиб берган, дейилади. Бошка кироатларни Хамза ва Кисоййлардан эшитган. Саллом эса Осим ал-Куфий ва Абу Амрга ўқиб берган. (Имом Осим ва имом Абу Амрнинг санадлари учун уларнинг таржимаи холларига каранг). Шихоб ибн Шурнуфа эса Хорун ибн Мусо ал-Аъвар ан-Нахвий ва Мусаллий ибн Ийсога ўқиб берган. Хорун Осим ал-Жаҳдарий ва Абу Амрга ўқиб берган. Махдий Шуъабга ўқиб берган. Абул-Ашхаб Абу Ражо Имрон ибн Малжон ал-Аторидийга ўқиб берган. Абу Ражо Абу Мусо ал-Ашъарийга, Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга ўқиб берган. Бу санад олийлик ва саҳихликда энг улуг санаддир. Имом Яъкуб айтади: «Салломга Куръонни бир ярим йилда, Шихоб ибн Шурнуфа ал-Мажошиъийга беш кунда ўқиб бердим. Шихоб ал-Мажошиъий эса Маслама ибн Мухориб ал-Мухорибийга тўккиз кунда ўқиб берган. Маслама Абул-Асвадга, Абул-Асвад Алий розияллоху анхуга ўқиб берган».

**Асарлари:**

- 1) «Ал-Жамиъ», унда имом Яъкуб кироат йўналишарининг барча ихтилофларини жамлаган, кайси кироат кимга тегишли эканини баён килган;
- 2) «Вакфут-тамам».

**Шогирдлари:** Имом Яъкубнинг акаси Ахмаднинг ўгли Зайд, Умар Саррож, Абу Бишр

Каттон, Муслим ибн Суфён, Рувайс номи билан машхур Мухаммад ибн Мутаваккил, Равх ибн Абдулмумин, Абу Хотим ас-Сижистоний, Айюб ибн Мутаваккил, Ахмад ибн Мухаммад аз-Зажжож, Ахмад ибн Шозон, Абу Амр ад-Дурий. Шунингдек, Абу Амр ибн Алонинг кироатини ундан Хамадон ибн Мухаммад ас-Сожий ривоят килган. Ундан Абу Хафс Фаллос, Абу Килоба ва Мухаммад ибн Аббод хадис ривоят килишган. Абу Хотимнинг ўгли айтади: «Отам ҳам, Ахмад ибн Ханбал ҳам, у ҳақда сўралганда, «Ростгўй» деб гувоҳлик берганлар».

**Машхур ровийлари:**

- 1) Рувайс: Мухаммад ибн Мутаваккил;
- 2) Равх: Равх ибн Абдулмумин.

**Имом Рувайс**

**Исм-насаби:** Абу Абдуллох Мухаммад ибн Мутаваккил Луълуъий ал-Басрий. «Рувайс» лакаби билан машхур.

**Таваллуди ва вафоти:** Имом Рувайснинг қачон тугилгани ҳақида маълумот йўқ. Вафотига келсак, 238/ 852 санада Басрада вафот килган.

**Манокиблари:** Имом Рувайс кироатни Яъкуб ал-Хазраийдан олган ва унинг энг иқтидорли издошларидан бўлган. Зухрий айтади: «Абу Хотимдан Рувайс ҳақида «У Яъкубга ўқиб берганми?» деб сўрадим. У: «Ҳа, биз билан бирга ўқиган ва унга икки маротаба хатм килиб ўқиб берган», деди». Имом Рувайс кироатда мохир, пухта, илмини тўла эгаллаган машхур кори эди. Имом Абу Амр ад-Доний: «У шерикларини орасида энг ўткири эди», – дейди. Абу Абдуллох ал-Кассоъ айтади: «У жуда ҳам улуг ва машхур эди». Сомирий айтади: «Менга Абу-Таммор шундай деди: «Рувайс бошлангичларга иккала калималарда ҳамзали иккита каби □□□□□□□□□□ □□□□□□ ва □□□□□□□□□□□□□□□□ ҳамзани ҳам таҳкик билан, мохир кориларга эса иккинчи ҳамзани тасхил билан ўқитар эди». Сомирий яна: «Абу-Таммор менга иккала ҳамзани ҳам таҳкик билан ўқитди», – дейди.

**Шогирдлари:** Ундан кироатини жуда кўпчилик ривоят килган. Жумладан: Мухаммад ибн Хорун ат-Таммор, Абу Абдуллох Зубайр ибн Ахмад аз-Зубайрий ва бошқалар.

**Имом Равх**

**Исм-насаби:** Абул Хасан Равх ибн Абдулмумин ал-Хузалий ан-Нахвий ал-Басрий.

**Таваллуди ва вафоти:** Имом Равхнинг тугилган санаси номаълум, 234/852-853 ёки 235/894-835 йили вафот этган.

**Манокиблари:** Имом Равх Яъкуб ал-Хазраийга ўқиб берган ва шогирдларининг энг улуг

ва мўътабарларидан бўлган. Ахмад ибн Мусо, Муоз ибн Жабал, Убайдуллох ибн Муоздан хуруфларни ривоят қилган. Улар Абу Амр ал-Басрийдан ривоят қилганлар. Имом Равх ишончли, машхур, зехни ўткир Куръон устози бўлган. Имом Бухорий ўз «Саҳих»ида у кишидан хадис ривоят қилган.

**Имом Яъкубнинг кироатдаги манхажи:**

1. Хар бир суранинг бошида Абу Амр йўли билан бир хил.
2. Рувайс ривоятида ﷻ калимаси каерда ва кандай ҳолатда келмасин «син» билан ўкилади.
3. Муттасил мадни тавассут – 4 ҳаракат, мунфасил мадни каср – 2 ҳаракат миқдорида чўзилади.
4. Рувайс ривоятида ҳаракатдош кетма-кет ҳамзанинг иккинчиси тасхил қилади. Аммо ҳаракати бошка-бошка бўлганини Абу Амр ўқиганидек ўкилади.
5. Рувайс ривоятида бир калимадаги икки ҳамзанинг иккинчисини орасига «алиф» киргизмасдан тасхил қилади.
6. Рувайс ривоятида ﷻ лафзидаги киноя «ха»сини ихтилос билан ўкилади. Яъни чўзмасдан тўла касра билан талаффуз қилади.
7. Иккита бир хил харфларнинг айримлари Сусий кироатидаги каби идгом қилинади: . ﷻ дан«й» сукунли каби ﷻ , ﷻ , ﷻ .8 кейин келган музаккар ва муаннас жам ҳамда тасния замиридаги «ха» заммали ўкилади. Рувайс ривоятида ﷻ , ﷻ каби «ё»си тушириб колдирилган сўзларда ҳам «ха» заммали ўкилади. ﷻ .9 .килинади вақф билан «хаси сакта» лафзларида ﷻ , ﷻ , ﷻ ,
10. «Изофа ёси»нинг айримларини сукун, айримларини фатхали қилинади.
11. Оятларнинг охирида келган «зоида ё»ларни васлда ҳам вақфда ҳам ўкилади: ﷻ . ﷻ
12. «Бакара» сураси ﷻ .ўкилади ﷻ – билан касра калимаси ﷻ оятидаги ﷻ :ўкилади «йа» ўрнига «нун» иккала оятида ﷻ .13 . ﷻ
14. «Анъом»даги ﷻ жумласи .ўкилади ﷻ
15. «Тоха» сурасидаги ﷻ жумласи ﷻ . ﷻ
16. «Тавба» сурасидаги ﷻ даги «марбута та» фатхали ўкилади.